

Шаҳар коммунал хўжалигида бошқарув тизимини такомиллаштириш йуллари

Пути совершенствования управленческой системы городского коммунального хозяйства

Ways of improvement of municipal communal management system

Samarqand davlat Arxitektura qurilish institute;

Giyasov B.J dotsent , Isrofilov Firdavs magistrant;

Аннотация: В условиях рыночных отношений отрасли городского хозяйства всё теснее становятся взаимосвязанными со сферой коммунальных услуг. Без них не возможно развитие отрасли и экономики в целом.

Annotasion: In the conditions of market relations, the urban sector becomes more and more interconnected with the sphere of public services. Without them, the development of the industry and the economy as a whole is not possible.

Истиқлол йилларида тадбиркорликни ривожлантиришни таъминлайдиган қонунчилик базаси ва хусусий мулкка нисбатан давлатнинг асосий қарорлари шакллантирилди. Инвестиция билан бирга турли соҳа ва тармоқларга, ҳудудларга янги технологиялар, илғор тажрибалар, юксак малакали мутахассислар кириб келди, тадбиркорлик жадал ривожланди. Бизнинг бугунги кундаги мақсадимиз Уй-жой хўжалиги ва коммунал хизматларга сарф-харажатларни камайтириш мақсадида коммунал (газ таъминоти, иссиқ сув таъминоти, марказий иситиш, сув таъминоти, канализация, санитариявий тозалаш каби) хизматларни кўрсатишда тежайдиган технологияларни жорий этиш ва бошқалар.

Ҳозирги кунда, бозор иқтисодиёти шароитида, хизматлар соҳаси мамлакатимизда жадал суръатлар билан ривожланиб бормоқда. Шу ўринда Президентимиз Ш.М.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатномасида қуйидагиларни таъкидлаб ўтди: “одамларимизнинг даромади ва ҳаёт сифатини оширишнинг муҳим омил ва йўналишларидан бири тариқасида хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини жадал ривожлантириш борасидаги тизимли ишлар изчил давом эттирилди. Давлат ва хўжалик субъектлари миқёсида амалга оширилаётган инвестиция сиёсатини, унинг устувор йўналишларини яхши тушуниш, инвестицияларни янги қўрилишга сарфлаш вариантларини, амалдаги ишлаб чиқариш қувватларини кенгайтириш ва реконструкция қилишни, фан-техника тараққиётининг энг янги ютуқлари асосидаги техника ва технологияларни ишлаб чиқаришга жорий қилишни билиш бугунги кунда кўчмас мулк соҳасидаги мутахассислар учун муҳим аҳамият касб этади.”

2019 йилда “Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурлари ижроси учун 4 триллион сумдан зиёд маблағ ажратилди. Мамлакатимизни урбанизация даражаси 35,5% ташкил этади, 2030 йилга қадар 60% етиш мумкин. Бинолар

ва иншоатлар жойлашаган ер участкаларини хусусийлаштириш режалаштирилди. Арзон уй жойлар куриш дастури изчил давом эттирилади. Намунавий лойхаларни такомиллаштириш, энергияни тежайдиган технологияларни қўллаш, замонавий ва арзон қўрилиш материаллардан фойдаланишга алоҳида аҳамият бериледи.

Шаҳар коммунал хўжалиги – бу мураккаб ижтимоий-иқтисодий тизим бўлиб, у аҳолининг ҳаётий эҳтиёжларини қондиради. Шаҳар коммунал хўжалиги соҳасида иқтисодиётнинг турли тармоқларига тегишли бўлган корхона ва ташкилотлар томонидан аҳоли турмушида газ, сув, иссиқлик энергияси каби зарур бўлган ресурслар етказиб берилиши билан бирга уларда катта миқдордаги меҳнатга лаёқатли аҳолини иш ўринлари билан таъминлайди.

Шаҳар коммунал хўжалиги тизими аҳоли турар жойлари, маъмурий ва ишлаб чиқариш бинолари, ноишлаб чиқариш ва ижтимоий соҳада фойдаланилаётган бинолар, иншоотлар, ҳудудлар ва узатувчи магистралларга хизмат кўрсатувчи, фойдаланишни ташкил этувчи, курилиш-таъмирлаш, транспорт, энергия ишлаб чиқарувчи ва бошқа турли товар ва хизматларни амалга оширувчи корхоналардан ташкил топган, кенг қамровли фаолиятининг натижаси инсон ҳаёт фаолиятини ташкил этувчи, шаҳар инфратузилмасини ривожлантирувчи ва экологик муҳитни яхшилашга хизмат қилувчи соҳа ҳисобланади.


Шаҳар коммунал хўжалиги тизимининг ўзига хос хусусияти унинг кўп тармоқлилиги ва турли-туман хизматлардан ташкил топганлигидадир. Кўп соҳа ва тармоқлардан ташкил топган шаҳар коммунал хўжалиги тизими ўз навбатида, турли ташкилий-ҳуқуқий ва иқтисодий асосдаги ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш соҳаси корхона ва ташкилотларига хизмат кўрсатади, улар фаолиятини ташкил этишда муҳим аҳамият касб этади.

Шаҳар коммунал хўжалиги аҳолини фаровон ҳаёт кечириши учун шарт-шароитларни яратиш билан боғлиқ экан албатта, аҳоли яшайдиган шаҳар ва қишлоқларда турли хилдаги коммунал хизматларга эҳтиёж мавжуд бўлади. Доимий яшаш жойларида аҳоли сонининг кўпайиб бориши ўз навбатида коммунал хизматларга эҳтиёжнинг ортиб боришига олиб келади. Коммунал хўжалик тизими ва коммунал хизматларнинг ташкил этилиш даражаси аҳолига фаровон яшаш учун яратилган шарт-шароитни кўрсатади. Аҳоли сонининг кўпайиб бориши маълум ҳудуд чегараларининг кенгайиб боришига, коммунал хизматлар тизимининг такомиллашиб боришига ва вақт ўтиши билан қишлоқ жойларининг аҳоли яшаш марказларига, аҳоли яшаш марказларини эса шаҳарларга айланишига олиб келади.

Шаҳар бу йирик аҳоли яшовчи маъмурий ҳудуд бўлиб, у ишлаб чиқариш, савдо ва маданият маркази ҳисобланади. Шаҳар коммунал хўжалик тизими нафақат аҳолининг фаровон яшаши учун шарт-шароит яратувчи, балки барча турдаги ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш корхоналари, ижтимоий соҳа ва маъмурий бошқарув тизими корхона ва ташкилотларига турли коммунал хизматлар кўрсатувчи корхоналар мажмуасидан ташкил

топади. Юридик мавқъега эга бўлган ҳар қандай корхона ўз фаолиятида коммунал хизматларнинг у ёки бу турларидан фойдаланади.

Самарқанд шаҳар коммунал хўжалиги тизими таркибига кирувчи корхона ва ташкилотлар, кўрсатадиган хизмат турларидан келиб чиқиб, асосан қуйидаги гуруҳларга бўлинади:



Расм 1. Самарқанд шаҳар коммунал хўжалиги тизими


Шаҳар коммунал хўжалиги инфратузилмасида уй-жой коммунал хўжалиги билан бевосита боғлиқ бўлган ва коммунал хўжалиги тизимининг ажралмас қисми ҳисобланувчи соҳаларга қуйидагилар киради:



Расм 2. Самарқанд шаҳар коммунал хўжалиги инфратузилмаси

Шаҳарлар – бу иқтисодий алоқалар, кўп тармоқли таркибий тузулмалар ва ўзига хос хусусиятларга эга бўлган ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш, ижтимоий ва бошқа объектлар йиғиндисидан иборат мураккаб тизим ҳисобланади.

Бундай мураккаб тизимнинг фаолият кўрсатиши учун ҳар хил турдаги тарқоқ, идоравий ва иқтисодий тузилмаси турли-туман бўлган корхона ва ташкилотларни ягона хўжалик механизмига айлантириш зарур.



Расм 3. Асосий коммунал хизматлар турлари


Шаҳарнинг ҳудудий яхлитлиги барча турдаги корхоналар, ташкилотлар ва хўжалик субъектларини, уларнинг идоравий тасарруфидан қатъий назар, ягона ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфраструктура сифатида бирлаштиради. Меҳнат ва табиий ресурслар, ҳудуд, йўллар, коммуникатсиялар, хизмат кўрсатиш объектларидан ҳамкорликда фойдаланиш жараёнлари шаҳардаги умумий яхлитлигини таъминлайди.

Ишлаб чиқариш кучлари, турар жой ҳудудлари ва транспорт тизимларининг жойлашиши коммунал хўжалиги корхоналарининг ташкил этилиши ва самарали фаолият кўрсатишга таъсир кўрсатади. Шу сабабли ҳар бир шаҳарда ўзига хос коммунал хўжалиги тизими шаклланади.

Мазкур тизим фаолияти самарадорлигини ошириш жойларда бошқарув механизмининг ташкил этилганлигига боғлиқ бўлади. Амалиётда коммунал-хўжалиги тизими фаолияти маҳаллий ҳокимият томонидан координация қилинади. Ҳар бир шаҳар, туман ҳокимияти ҳузурида коммунал хўжалиги соҳаси фаолиятини тартибга солувчи ва мувофиқлаштирувчи хизматлар фаолият кўрсатади. Масалан, Самарқанд шаҳрида коммунал хўжалиги тизими фаолияти Самарқанд шаҳар ҳокимияти қошидаги “Коммунал хўжалиги бош бошқармаси” томонидан тартибга солинади. Бозор иқтисодиёти шароитида мазкур хизматлар фаолияти коммунал хўжалиги тизимини маъмурий бошқаришга эмас, балки соҳадаги корхона ва ташкилотлар ўртасида рақобат муҳитини шакллантиришга, улар

фаолиятини шартнома муносабатлари асосида ташкил этишга йўналтирилган.

Хорижий инвестициялар ҳисобига амалга оширилаётган коммунал соҳадаги инвестицион лойиҳалар:



Расм 4. 2019 йил учун Самарқанд шаҳар коммунал соҳадаги инвестицион лойиҳалар

Юқоридагиларни эътиборга олган ҳолда, шаҳар коммунал хўжалигида бошқарув тизимини такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш учун куйидагиларни амалга ошириш лозим:

1. Соҳада хизмат кўрсатишни бозор тамойиллари асосида ташкил этиш, эркин баҳони шакллантириш, сарф-харажатларни камайтириш, уларнинг сифатини ошириш;
2. Истеъмолчиларга етказиб берилган товар ва хизматлар учун тўлов ўз вақтида ва тўла ҳажмда тўланишини таъминланганини;
3. Ислоҳотлар давомида аҳолига кўрсатилаётган марказий иситиш ва иссиқ сув таъминоти хизматларини молиявий ўзини ўзи қоплашга босқичма-босқич ўтказиш чоралари кўриш. Жойларда коммунал хизмат кўрсатишни ўзини ўзи қоплашга ўтказиш;

Адабиётлар руйҳати:

1. Мирзиёев Ш.М. “Ўзбекитсон республикаси Олий Мажлисга муроожатномаси” 28.12.2018 й.
2. Ёдгоров В., Бутунов Д. Уй жой коммунал хўжалиги иқтисодиёти ва бошқаруви. Т.:2012й.
3. www.gov.uz